Иккиламчи металларни суюқлантириш технологияси фанидан 6-маърузасидан уйга вазифа

1-савол: Қуймани структурасига тъсир этувчи факторлар нималар?

Жавоб: Қуйманинг структураси бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, шулардан асосийлари: шихта ашёсининг хоссалари ва уларни эритиш усули; кристалланиш температурасининг интервали; қотишма таркибидаги қўшимчалар миқдори; суюқ метални қолипга қуйиш усули, ҳамда қуйманинг қолип ичида совиш жараёни; кристалланиш жараёнига механик таъсир этиш.

2-савол: Ўта мустаҳкам чўянлар деб қандай чўянларга айтилади?

Жавоб: Ўта мустаҳкам чўянлар углеродли пўлатларга нисбатан бир мунча афзалликларга эга: эриш температураси паст, оқувчанлиги юқори, иссиқ ёриқлар хосил бўлишига қаршилиги юқори, зичлиги камроқ, мустаҳкамлиги ва емирилишга қаршилиги юқори, механик ишлов бериш осонроқ. Кулранг чўянга нисбатан эса ўта мустаҳкам чўян мустаҳкамроқ, иссиқбардошлиги юқорироқ ва пайвандланиши яхшироқдир.